

“Ипотека-банк”
Акциядорлик тижорат ипотека банки
акциядорларининг
Умумий йиғилишида
ТАСДИҚЛАНГАН
(2014 йил 6 июндаги
19 - сонли баён)

“ИПОТЕКА-БАНК” АТИБ
КУЗАТУВ КЕНГАШИ ТЎҒРИСИДА
НИЗОМ

2014 йил

“ИПОТЕКА-БАНК” АТИБ КУЗАТУВ КЕНГАШИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 2 октябрдаги “Акциядорлик тижорат банклари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-2084 сонли, 2003 йил 24 январдаги “Ўзбекистон иқтисодиётида хусусий секторнинг улуши ва аҳамиятини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-3202 сонли Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 22 августдаги “Акциядорлик жамиятларини бошқариш тизимини такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги 361-сонли, 2003 йил 19 апрелдаги “Хусусийлаштирилган корхоналарни корпоратив бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 189-сонли қарорлари ҳамда “Ипотека-банк” АТИБ (кейинги ўринларда “Банк”) уставига мувофиқ ишлаб чиқилган.

1.2. Ушбу Низом “Ипотека-банк” АТИБ Кузатув кенгаши (кейинги ўринларда “Банк кенгаши”) мақомини, Банк кенгаши аъзоларини сайлаш тартибини, шунингдек, унинг аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилайди.

1.3. Банк кенгаши банк фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни ва Банк уставига мувофиқ Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколатлари доирасига киритилган масалаларни ҳал этиш бундан мустасно.

1.4. Акциядорлар умумий йиғилишининг қарори билан Банк кенгашининг аъзоларига улар ўз вазифаларини бажариб турган давр учун ҳақ тўланиши ва (ёки) Банк кенгашининг аъзоси вазифаларини бажариш билан боғлиқ харажатларининг ўрни қопланиши мумкин. Бундай ҳақ ва тўловларнинг миқдорлари акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорида белгиланади.

II. БАНК КЕНГАШИНИНГ ВАКОЛАТЛАРИ

2.1. Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунига мувофиқ Акциядорларнинг умумий йиғилишлари оралиғида Банк кенгаши акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилади ва ушбу низом ва банк уставига кўзда тутилган вазифаларни бажаради.

2.2. Банк кенгаши Ипотека-банк мулкдорларининг вакили сифатида, банкни ривожлантиришнинг асосий йўналишини ишлаб чиқади.

2.3. Банк кенгашининг ваколат доирасига қуйидагилар қиради:

- Банк фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш, стратегиясини шакллантириш;
- Банк акциядорларининг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чақириш;
- Акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибини тайёрлаш;
- акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш;
- акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун Банк акциядорлари реестрини шакллантириш санасини белгилаш;
- Банк уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки Банкнинг янги тахрирдаги уставини тасдиқлаш масаласини акциядорларнинг умумий йиғилишига киритиш;
- мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;

- Банкнинг бошқарув аъзоларини (раисдан ташқари) сайлаш (тайинлаш), уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;
 - Корпоратив маслаҳатчини тайинлаш ва унинг фаолияти тартибини белгиловчи низомни тасдиқлаш;
 - Банкнинг йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш;
 - Банкнинг ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш, шунингдек ҳар чоракда унинг ҳисоботларини эшитиб бориш;
 - Банкнинг ижроия органи фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатдан эркин фойдаланиш ва ижроия органидан Банк кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун уларни олиш. Олинган ҳужжатлардан Банк кенгаши ва унинг аъзолари фақат хизмат мақсадларида фойдаланишлари мумкин;
 - аудиторлик текширувини ўтказиш тўғрисида, аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш ҳақида қарор қабул қилиш;
 - Банкнинг тафтиш комиссияси аъзоларига тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорлари юзасидан тавсиялар бериш;
 - акциялар бўйича дивидендлар миқдори ва уларни тўлаш тартиби юзасидан тавсиялар бериш;
 - Банкнинг захира ва бошқа фондларидан фойдаланиш;
 - Банкнинг филиалларини ҳамда ваколатхоналарини ташкил этиш, очиш ва тугатиш;
 - Банкнинг шўъба ва тобе корхоналарини ташкил этиш;
 - Баланс қиймати ёки олиш қиймати битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада жамият соф активлари миқдорининг ўн беш фоизидан эллик фоизигачасини ташкил этувчи мол-мулк хусусида йирик битим тузиш тўғрисидаги қарор қабул қилиш;
 - қонунда белгиланган ҳолларда Банкнинг аффилиланган шахслари билан битимлар тузиш;
 - Банкнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузиш;
 - Банкнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
 - Банкнинг устав капиталини (акциялар номинал қийматини ошириш ёки қўшимча акция чиқариш йўли орқали) кўпайтириш масалаларини, шунингдек жамият уставига Банкнинг устав капиталини кўпайтириш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги масалаларни ҳал қилиш;
 - Банк томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;
 - қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;
 - қимматли қоғозлар савдоси ташкилотчиларининг майдончаларида юзага келаётган нархлар конъюктурасидан келиб чиққан ҳолда акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини белгилаш;
 - Банк бошқарувига тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорларини белгилаш;
 - қонунчиликда кўзда тутилган ҳолларда Банк томонидан жойлаштирилган акцияларни ва бошқа қимматли қоғозларни сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
 - Бошқарув раисини ишга ёллаш тўғрисида Банк номидан меҳнат шартномаси тузиш;
 - Банк бошқаруви фаолиятининг тартибини белгилаб берувчи ҳужжатларни тасдиқлаш;
 - қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда Банкнинг ички меъёрий ҳужжатларини тасдиқлаш;
 - Банк кенгашининг ваколат доирасига қонун ҳужжатлари ва ушбу Низомга мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш ҳам киритилиши мумкин.
- 2.4. Банк кенгашининг ваколат доирасига қонун ҳужжатлари ва Банк уставига мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш ҳам киритилиши мумкин.

2.5. Банк кенгашининг ваколат доирасига киритиладиган масалалар ҳал қилиш учун Банк бошқарувиға топширилиши мумкин эмас.

III. БАНК КЕНГАШИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

- 3.1. Банк кенгашининг мажбуриятлари қуйидагилардан иборат:
- Ўз ваколатларини банк акциядорларининг манфаатларини кўзлаб амалга ошириш;
 - Банкка билимдонлик билан раҳбарлик қилишни таъминлаш;
 - Банк фаолияти, кредит бериш ва маблағларни инвестициялашнинг тўғрилиги устидан (омонатчилар, кредиторлар ва акциядорларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида) жорий назоратни амалга ошириш;
 - Банкнинг мутаносиб равишда сармояланишини қўллаб-қувватлаш;
 - Банк фаолиятининг стратегиясини шакллантириш;
 - Банкни ривожлантириш борасида қабул қилинган бизнес-режанинг бажарилишини назорат қилиш;
 - Банк фойдасини мониторинг қилиш;
 - Ички аудит хизмати фаолиятини ташкил этиш.
- 3.2. Ўз мажбуриятларини бажаришда Банк кенгаши қуйидагиларни бажариши шарт:
- малакали банк бошқаруви аъзоларини ишга ёллаш ва уларни тасдиқлаш;
 - банк капиталлашувининг адекватлигини сақлаш;
 - бошқарув билан маслаҳатлашган ҳолда банкнинг узоқ ва қисқа муддатли бизнес-режасини белгилаш;
 - банк мақсадларига эришиш ҳамда қонуний, ҳавфсиз ва самарали банк фаолиятини юритиш учун етарли сиёсатларни белгилаш;
 - Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига ва банк сиёсатларига мувофиқ банк операциялари устидан амалга ошириладиган етарли назоратни амалга ошириш;
 - банкнинг жорий фаолиятини кузатиш.

IV. БАНК КЕНГАШИНИ САЙЛАШ

4.1. Банк кенгашининг аъзолари ушбу низом ва Банк уставида назарда тутилган тартибда Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан бир йиллик муддатга сайланадилар.

4.2. Банк кенгаши таркибига сайланган шахсларнинг қайта сайланишлари чекланмайди.

4.3. Банк бошқарувининг аъзолари Банк кенгаши таркибига сайланишлари ёки тайинланишлари мумкин эмас.

4.4. Банкда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар Банк кенгашининг аъзолари бўлиши мумкин эмас.

4.5. Банк кенгаши таркибига Банкнинг ривожланишига имконият яратувчи иқтисод, молия, кредит соҳасидаги тажриба, билимга эга бўлган шахслар киритилиши лозим. Банк кенгаши аъзолари акциядорлардан ташқари олимлар ва банк соҳаси мутахассислари бўлиши мумкин. Банк кенгаши таркибига миноритар акциядорлар манфаатини ифода этувчи аъзо киритилиши мажбурийдир.

4.6. Банк кенгашининг миқдор таркиби Банк уставида белгиланади.

4.7. Банк кенгаши аъзолари сайлови кумулятив овоз бериш орқали амалга оширилади.

4.8. Кумулятив овоз беришда ҳар бир акциядорга тегишли овозлар сони Банкнинг кенгашига сайланиши лозим бўлган шахслар сонига кўпайтирилади ва акциядор шу тарика олинган овозларни битта номзодга тўлиқ беришга ёки уларни икки ва ундан ортиқ номзодлар ўртасида тақсимлашга ҳақлидир.

4.9. Энг кўп овоз тўплаган номзодлар Банк кенгаши таркибига сайланган деб ҳисобланади.

V. БАНК КЕНГАШИНИНГ РАИСИ

5.1. Банк кенгашининг раиси кенгаш аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан, ушбу кенгаш таркибидан Банк кенгаши аъзолари томонидан сайланади.

5.2. Банк кенгаши ўз раисини Банк кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан қайта сайлашга ҳақлидир.

5.3. Банк кенгашининг раиси кенгаш ишини ташкил этади, Банк кенгаши мажлисларини чақиради ва уларда раислик қилади, мажлисда баённома юритилишини ташкил этади, Банк уставида ўзгача қоида назарда тутилмаган бўлса, Акциядорлар умумий йиғилишида раислик қилади.

5.4. Банк кенгашининг раиси йўқлигида унинг вазифасини Банк кенгаши аъзоларидан бири бажариб туради.

VI. БАНК КЕНГАШИ МАЖЛИСИНИ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ

6.1. Банк кенгаши мажлислари унинг раиси томонидан ҳар чоракда камида бир марта чақирилади. Банк кенгашининг навбатдан ташқари мажлислари Банк кенгаши раисининг ташаббуси билан ёки қуйидагилар талабига кўра чақирилади:

- Банк кенгаши аъзосининг;
- Марказий банкнинг;
- Тафтиш комиссиясининг;
- Банк бошқарувининг;
- амалдаги қонунчиликда ва Банк уставида кўрсатилган бошқа ҳолларда.

6.2. Банк кенгашининг мажлисини чақириш ва ўтказиш тартиби Банк уставида белгилаб қўйилади.

6.3. Банк кенгаши мажлисини ўтказиш учун кворум Банк уставида белгилаб қўйилади, бироқ у Банк кенгашга сайланган аъзоларнинг етмиш беш фоизидан кам бўлмаслиги керак.

6.4. Банк кенгаши аъзоларининг сони Банк уставида назарда тутилган миқдорнинг етмиш беш фоизидан кам бўлган тақдирда, Банк кенгашининг янги таркибини сайлаш учун акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириши шарт. Банк кенгашининг қолган аъзолари акциядорларнинг бундай навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилишга, шунингдек Банк бошқаруви раисининг ваколатлари муддатидан илгари тугатилган тақдирда, унинг вазифасини вақтинча бажарувчини тайинлашга ҳақлидир.

6.5. Банк кенгашининг мажлисида қарорлар кўпчилик овоз билан қабул қилинади. Кенгашнинг мажлисида масалалар ҳал этилаётганда кенгашининг ҳар бир аъзоси битта овозга эга бўлади.

6.6. Банкнинг устав капиталини акциялар номинал қийматини ошириш ёки қўшимча акцияларни чиқариш йўли билан кўпайтириш тўғрисида ва Банк уставига тегишли ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги қарор бир овоздан қабул қилинади.

6.7. Банк кенгашининг бир аъзоси ўз овозини Банк кенгашининг бошқа аъзосига беришига йўл қўйилмайди.

6.8. Овозлар тенг бўлган ҳолда Банк кенгаши раиси овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

6.9. Банк кенгашининг мажлисида баённома юритилади. Банк кенгаш мажлисининг баённомаси мажлис ўтказилганидан сўнг 10 кундан кечиктирмай тузилади. Мажлис баённомасида қуйидагилар кўрсатилади:

- мажлис ўтказилган сана, вақт ва жой;
- мажлисда ҳозир бўлган шахслар;
- мажлиснинг кун тартиби;
- овоз беришга қўйилган масалалар, улар юзасидан ўтказилган овоз бериш яқунлари;

- қабул қилинган қарорлар.

6.10. Банк кенгаши мажлисининг баённомаси мажлисда иштирок этаётган Банк кенгаши аъзолари томонидан имзоланади, улар мажлис баённомаси тўғри расмийлаштирилиши учун жавобгардир.

6.11. Банк кенгашининг қарорлари сиртдан овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан) Банк кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши мумкин.

6.12. Банк кенгаши мажлисининг баённомаси имзоланган куни Банк бошқарувига ижро этиш учун топширилади. Банк кенгаши акциядорларнинг умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилган тақдирда мазкур қарор ҳақидаги ахборот Банкнинг бошқарувига Банк кенгашининг мажлиси ўтказиладиган куни топширилади.

6.13. Банк кенгаши мажлисининг баённомалари билан барча акциядорлар танишиш имкониятига эга бўлишлари лозим, банк сири тоифасига кирувчи маълумотлар бундан мустасно.

VII. БАНК КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

7.1. Банк кенгашининг аъзоси қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- Банк кенгаши мажлисида шахсан иштирок этиш, мажлисда муҳокама этилаётган масала бўйича регламентда ажратилган вақт доирасида сўзга чиқиш;

- банкнинг муайян давр мобайнидаги фаолиятининг натижалари, уни ривожлантириш режалари ҳақида тўлиқ ва ишонарли ахборот олиш;

- Банк бошқарувининг фаолиятига таалукли барча маълумотларни тўғридан-тўғри олиш, Банк кенгашига юклатилган вазифаларни бажариш учун Банк бошқарувидан уларни талаб қилиш. Банк кенгаши аъзолари томонидан олинган ҳужжатлардан фақатгина хизмат мақсадларида фойдаланилади;

- зиммасидаги вазифаларни бажара туриб, Банк кенгашидаги фаолияти учун муайян мукофот олиш.

7.2. Банк кенгаши аъзолари ўртасидаги вазифалар Банк кенгаши раиси томонидан Банк кенгашининг аниқ ҳар бир аъзоси учун тақсимланади. Банк кенгашининг ҳар бир аъзоси маълум бир вазифаларни бажаради.

7.3. Банк кенгаши аъзоларига ҳар доим назорат олиб борилишини, вақт ва меҳнат сарфланишини талаб этадиган вазифалар бириктирилган ҳолда улар билан шартнома тузилади. Улар билан шартномани банк кенгаши раиси тузади.

7.4. Банк кенгашининг ҳар бир аъзоси учун мукофот миқдори Банк кенгаши раисининг таклифи билан Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан улар фаолиятининг самарадорлигидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

7.5. Банк кенгаши аъзоларининг фаолиятини уларнинг банкда меҳнат шартномаси бўйича фаолияти билан қўшиб олиб боришларига йўл қўйилмайди.

7.6. Банк кенгаши аъзолари банк кенгаш томонидан бирон-бир қарорлар қабул қилинишига таъсир ўтказганлиги учун бевосита ёки билвосита мукофот олиш ҳуқуқига эга эмаслар.

7.7. Банк кенгаши аъзолари банк имкониятларидан (мулкӣ ёки номулкӣ ҳуқуқлардан, ҳўжалик фаолияти соҳасидаги имкониятларидан, банк фаолияти ва режалари тўғрисидаги ахборотдан) шахсий бойлик орттириш мақсадида фойдаланиш ҳуқуқига эга эмаслар.

7.8. Банк кенгаши аъзоси томонлардан бири банк бўлган битимдан молиявий манфаатдор бўлган ҳолларда, шунингдек Банк кенгаши аъзоси ва банк манфаатлари ўртасида ўзгача низо юзага келган ҳолларда Банк кенгаши аъзоси битим тузиладиган пайтга қадар ўз манфаатдорлигини Банк кенгашига барвақт маълум қилиши шарт, битим тўғрисидаги қарор эса шундай манфаатдорликка эга бўлмаган Банк кенгаши аъзоларининг кўпчилиги ёки Акциядорлар умумий йиғилишида акциядорларнинг кўпчилиги томонидан

қабул қилиниши лозим. Бунда Банк кенгашининг манфаатдор аъзолари шундай битим бўйича муҳокамада ҳам, қарор қабул қилишда ҳам иштирок этмайдилар.

7.9. Банк кенгаши аъзолари, агар улар, уларнинг эр-хотинлари, ота-оналари, болалари, ака-укалари, опа-сингиллари, шунингдек уларнинг аффилланган барча шахслари:

- бундай битишувнинг томонлари ҳисоблансалар ёки унда вакил ёки воситачи сифатида қатнашсалар;

- битишувларнинг томони ҳисобланган ёки унда вакил ёки воситачи сифатида қатнашадиган юридик шахснинг йигирма ёки ундан кўп акциялари (улушлар, пайлари) фоизига эга бўлсалар;

- битишув томони ҳисобланган ёки унда вакил ёки воситачи сифатида қатнашадиган юридик шахснинг бошқарув органларида лавозимни эгаллаб турган бўлсалар, шахсий манфаатдорликка эга ҳисобланадилар.

7.10. Банк кенгаши аъзолари банк билан рақобатлашувчи кохоналарни таъсис этиш ёки уларда иштирок этиш ҳуқуқига эга эмаслар. Банк кенгашининг манфаатдор бўлмаган аъзоларининг кўпчилик овози ёки банк акцияларининг кўпчилигига эгалик қилувчи акциядорларнинг розилиги берилган ҳоллар бундан мустаснодир.

7.11. Банк кенгаши аъзолари банк кенгашида ишлаш даврида қайд этилган корхоналарда ўзларининг иштирокини тўхтатишлари шарт.

7.12. Банк кенгаши аъзоси Банк кенгаш ишида узоқ муддат давомида шахсан қатнашиш имкониятига эга бўлмаган тақдирда ҳам ўз вазифаларини ўзининг вакилига ҳатто ишончнома расимйлаштириш йўли билан ҳам бажариш учун топшириш ҳуқуқига эга эмас.

7.13. Банк кенгаши аъзолари ўзларининг лавозим мажбуриятларини виждонан амалга оширишлари ва белгиланган тартибда банк манфаатлари йўлида ўзлари энг яхши деб ҳисоблайдиган усул билан Ипотека-банк манфаатларини ҳимоя қилишлари шарт.

VIII. БАНК АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ

8.1. Банк акциядорларининг ҳуқуқ ва манфаатларини Банк кенгаши қуйидаги йўллар билан ҳимоя қилади:

- акциядорларнинг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда банк фаолиятини ташкил этиш;

- акциядорларнинг Умумий йиғилишларига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш, овоз бериш ҳамда овозларни санаш ва қарорлар қабул қилиш тартибини назорат қилиш;

- банк Устав капиталидаги улушлари Устав капиталини кўпайтириш ёки камайитириш, қўшимча қимматли қоғозлар ва шу кабиларни чиқариш йўли билан ўзгартирилганда акциядорларнинг ҳуқуқлари камситилишига йўл қўйилмаслик;

- банкнинг самарали дивиденд сиёсатини ишлаб чиқиш;

- банк акциядорлари билан ўзаро муносабатларга боғлиқ масалаларни кўриб чиқиш;

- банк Бошқарувининг гайриқонуний ҳамда ноҳақ ҳаракатлари устидан акциядорларнинг шикоятлари ва таклифларини қабул қилиш ва кўриб чиқиш.

IX. БАНК ФАОЛИЯТИ УСТИДАН НАЗОРАТНИ АМАЛГА ОШИРИШ

9.1. Банк кенгаши Бошқарувдан банкнинг молиявий аҳволи ва фаолияти тўғрисида вақти-вақти билан (ҳар чоракда камида бир марта) шарҳлар ва ёзма ҳисоботларни, жумладан уларни яхшилашга оид тавсияларни олиб туради, шунингдек Бошқарув раисининг ва ички аудит хизмати раҳбарининг маърузаларини тинглайди.

Банк кенгаши аъзолари шундай ҳисоботлар ва тавсияларнинг тўғрилигини ҳамда амалга ошириш мумкинлигини аниқлаш мақсадида уларни синчиклаб текширадилар.

9.2. Қуйидаги молиявий коэффициентлар Банк кенгаши томонидан олиб бориладиган мунтазам назоратнинг предмети бўлиб ҳисобланади:

- умумий капитал;
- банк даромадлари;
- соф фойда;
- банк даромадларининг активларга нисбати;
- соф фойданинг активларга нисбати;
- соф фойданинг банк умумий капиталига нисбати;
- соф фойданинг устав капиталига нисбати;
- умумий фоиз маржасининг ўлчами;
- фоизсиз харажатларнинг активларга нисбати;
- таснифланган кредитларнинг умумий кредит портфелига нисбати;
- ҳисобдан чиқарилган кредитларнинг активларга нисбати;
- даромадсиз кредитларнинг кредит портфелига нисбати;
- даромадсиз кредитларнинг 1 даражали капиталга нисбати;
- кредит заҳираларининг кредит портфелига нисбати;
- даромадсиз кредитларнинг кредит заҳираларига нисбати;
- кредит заҳираларига харажатнинг кредитларга нисбати;
- энг катта кредитнинг 1- даражали капиталга нисбати;
- энг катта ишончли кредитнинг 1-даражали капиталга нисбати;
- катта кредитлар йиғиндисининг 1-даражали капиталга нисбати;
- алоқадор шахсларга кредитлар йиғиндисининг 1-даражали капиталга нисбати;
- капитал етарлилиги коэффициенти;
- 1-даражали капитал етарлилиги коэффициенти;
- 1-даражали капиталнинг активларга нисбати (левераж);
- жорий ликвидлик кўрсаткичи;
- соф фойданинг дивидендларга йўналтирилган қисми.

X. КАДРЛАР СИЁСАТИНИ АМАЛГА ОШИРИШ

10.1. Банк кенгаши банкнинг кадрлар сиёсатини, банкка юқори малакали раҳбарлар ва ходимларни жалб этиш стратегиясини ишлаб чиқади ва амалга оширади.

10.2. Қонунчиликка мувофиқ кадрлар сиёсати қуйидагиларни ўз ичига олади:

- банк ходимларини мукофотлаш, рағбатлантириш ва жазолаш тизими;
- ўқитиш ва қайта ўқитиш дастури;
- бўш ўринлар пайдо бўлган ҳолларда раҳбарларни тайинлаш тартиби;
- банк раҳбариятини ишдан бўшатиш мажбурий бўлиб қоладиган ҳолларни аниқлаш;

10.3. Банк кенгаши қуйидагиларни ишлаб чиқади ва тасдиқлайди:

- Бошқарув аъзолари ва банк асосий хизматлари раҳбарларининг ишига баҳо бериш мезонлари;

- одоб-ахлоқ кодекси ва манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш чоралари;
- омилкор бўлмаганлиги, виждонан ишламаганлиги, манфаатлар қарама-қаршилиги туфайли банкнинг мансабдор шахслари юкланган вазифалардан четлатиладиган шарт-шароитлар рўйхатини.

XI. БАНКНИНГ МУТАНОСИБ САРМОЯЛАНИШИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ

11.1. Банкнинг сармоясини сақлаб қолиш ҳамда унинг банк операциялари миқёсларига ва таваккалчилик даражасига мос бўлишини таъминлаш мақсадида Банк кенгаши:

- эҳтимолда тутилган йўқотишларга қарши Марказий банк белгилаган миқдорларда банк томонидан махсус заҳиралар яратилиши устидан назоратни амалга оширади;

- Марказий банк томонидан белгиланганига қараганда юқори бўлмаган банк таваккалчилиги даражасини таъминлашни Банк бошқарувидан талаб қилади;
- банк акцияларини жойлаштириш чораларини кўради;
- банкнинг сармоя ва умумий захиралари етарлича даражада саклаб турилишини таъминлайди.

XII. БАНК БИЗНЕС-РЕЖАСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА БАЖАРИШ

12.1. Банк кенгаши йиллик банкни ривожлантириш бизнес-режасини (мустақил равишда ёки четдан консультантлар ва экспертлар жалб этган ҳолда ҳамда Банк бошқаруви мутахассисларидан фойдаланган ҳолда) ишлаб чиқади ва тасдиқлаш учун Акциядорлар умумий йиғилишига тақдим этади.

12.2. Банк кенгаши банкни ривожлантириш бизнес-режасини Банк бошқаруви томонидан ижро этилишини назорат қилади.

XIII. БАНК КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

13.1. Банк кенгаши аъзолари банк ва унинг акциядорлари олдида ўз мажбуриятларини тегишли тарзда бажармаганликлари натижасида Банкка етказилган зарар учун Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги ва банк уставига мувофиқ жавобгардирлар.

13.2. Банк кенгашининг аъзолари улар томонидан Банк уставини ҳамда ушбу Низомда кўрсатилган қоидалар бузилган тақдирда банкка келтирилган зарарни қоплаш бўйича амалдаги қонун нормалари асосида тўлиқ миқдорда жавобгардирлар.

13.3. Ушбу бўлим қоидаларига мувофиқ бир неча шахс жавобгар бўлса, уларнинг банк олдидаги жавобгарлиги солидар ҳисобланади.

XIV. БАНК КЕНГАШИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ

14.1. Мазкур Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки уни янги таҳрирда қабул қилиш (тасдиқлаш) мумкин. Бунда, киритиладиган ўзгартиш ва қўшимчалар ёки янги таҳрир матни Банк бошқаруви томонидан тайёрланиб, Банк кенгаши муҳокамасига киритилади. Банк кенгаши тақдим этилган ҳужжатни кўриб чиқиб, акциядорлар умумий йиғилишига тасдиқлаш учун киритади.

14.2. Низомга киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчалар ёки унинг янги таҳрири банк акциядорлар умумий йиғилишида тасдиқланган санадан бошлаб кучга киради.

14.3. Ушбу Низом акциядорлар умумий йиғилишида тасдиқлангандан сўнг, унга қадар амалда бўлган "Ипотека-банк" АТИБ Банк кузатув кенгаши тўғрисидаги Низом ҳамда унга киритилган барча ўзгартириш ва қўшимчалар ўз кучини йўқотган деб ҳисобланади.

**"Ипотека-банк" АТИБ
Бошқаруви Раиси**


О. Мусаев